

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**290 2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси-
нинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасала-
рига ўқишга қабул қилиш тўғрисида**

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида мамлакатда узлуксиз 12 йиллик таълимнинг замонавий тизими яратилди, республиканинг барча минтақаларидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг тўлиқ камраб олинишини таъминлайдиган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг кенг тармоғи шакллантирилди, бунда битирувчиларни ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва лицейларда танлаган мутахассисликлари бўйича ўқитиш назарда тутилган.

Касб-хунар коллежларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ишлаб чиқариш устахоналари билан жиҳозланган моддий-техника базаси коллеж ўқувчиларининг икки-учта касб-хунарни эгаллашини таъминлайди.

Шу билан бирга, келгусида тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ўрта махсус маълумотли аниқ касб-хунар мутахассисларига бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш, касб-хунар коллежларини эҳтиёж катта бўлган ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга ўз вақтида қайта ихтисослаштириш ишлари суғуриб борилмоқда. Натижада коллеж битирувчиларини иш ўринлари билан тўлиқ камраб олишда уларни танлаган ихтисосидан бошқа ишларга жойлаштириш ҳолатлари мавжуд. Ихтисосидан бошқа ишларга жойлаштирилган коллежлар битирувчиларининг энг кўп сони Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидадир. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги коллежларда, айниқса уларнинг филиалларида ўқиётганларнинг сменалилик коэффициенти юқориликча қолмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ камраб олишни, республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида ҳамда ҳудудларида талаб юқори бўлган касблар бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, акциядорлик компаниялари ва уюшмалар билан биргаликда 2015/2016 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини аниқ касблар ва мутахассисликлар бўйича касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқаришларни модер-

низация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир амалга ошириш мўлжалланган инвестиция лойиҳалари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманда 2018 йилда янги иш ўринлари яратиш юзасидан баланс ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида тайёрланган, 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб республика худудларида 1-иловага* мувофиқ 35 та касб-ҳунар коллежини, касблар ва мутахассисликларни кенгайтириб ва бирхиллаштириб қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари маъқуллансин.

3. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотиغا эга мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 2015/2016 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга қабул қилиш параметрлари 2 ва 2.1 — 2.14-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини республиканинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларига 2015/2016 ўқув йилида ўқишга қабул қилиш параметрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир касб-ҳунар коллежи ва академик лицейга ўқишга қабул қилиш параметрларини бир ҳафта муддатда тасдиқласин.

Бунда сўнгги йилларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилишининг пухта таҳлилини, меҳнат бозорининг жадал ўзгараётган талабларини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари худудлар бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишларига ва мутахассисликларига мувозанатли қабул қилиниши таъминлансин.

Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари эҳтиёжининг балансини ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини ҳисобга олган ҳолда ўқишга қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* 1, 2 — 2.14-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий марказлари, салоҳиятли иш берувчилар, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар кўмагида 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан ўқитиш ихтисосликлари йўналишларини пухта танлашни шакллантириш бўйича фаол касбга йўналтириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар, бунда минтақада иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш истиқболларини ва битирувчиларнинг кейинчалик ишга жойлаштирилишини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базасининг мавжудлигини ҳисобга олсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2015/2016 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга қабул қилишнинг белгиланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда ўқишга қабул қилиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига шу йил 10 августгача бўлган муддатда якуний ахборот тақдим этсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига:

умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ камраб олишни таъминлаш;

ўқувчиларни касб-хунар коллежига ўқишга кирган кундан бошлаб, келгусида уларнинг танлаган касби бўйича тўлиқ ишга жойлашишини таъминлаш мақсадида ташкилотлар ва корхоналарга бириктириш бўйича ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар кўриш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежларига ва академик лицейларга ўқишга қабул қилишда битирувчи қизларни ўқитиш билан камраб олишга, алоҳида таълимга эҳтиёжманд бўлган болалар ва «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларига таълим муассасаларини танлаши учун шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015/2016 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан белгиланган тартибда зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган, шунингдек янгидан фойдаланишга топширилаётган ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида 2015/2016 ўқув йили бошлангунга қадар ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, ўқув-норматив ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 июнь,
145-сон